



**Ilmiy amaliy
jurnal
№ 2 (4)
2026**

**YANGI
O'ZBEKISTON
IQTISODIYOTI**

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali 2-son 2026 yil*

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

2

ISBN 978-9943-5256-3-4

Toshkent – 2026

MUNDARIJA

Аслонов С.М., Амиджанова М.М. Развитие бизнес-идей (стартапов) предпринимательской деятельности в Республике Таджикистан.....	7
Умаров И.Ю. Современные тенденции инновационного развития пищевой промышленности Узбекистана.....	13
Akbaraliyeva D., Mirzamahmudova M. Bank tizimi tarixi va rivojlanishi.....	16
Mamajonova N.A. Qurilish korxonalarida innovatsion boshqaruv faoliyati samaradorligini baholash ko‘rsatkichlari arxitekturasi.....	22
Ahmadkulov D.R., Xamrayev O.Y., Khattobov U.B. Kriptovalyutaga soliq solishda jahon tajirabasi va muammolar.....	25
Toshpulatov A.M. Qurilish materiallari sanoati korxonalarining ishlab chiqarish hajmini baholash usullari.....	30
Bahromov Sh.F. Jahonda to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarning (TXXI) iqtisodiy rivojlanish bilan bog‘liqligini tahlili.....	34
Kalmuratov B., Izzetov B., Yusupova J., Shamuratova A. Calculation in econometric models of human capital financing in innovation management in Uzbekistan.....	39
Sultonov B.M. Oilaviy korxonalar faoliyatini boshqarishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmiga ta‘sir etuvchi omillar va ularni baholash asoslari.....	43
Юсупов М.Х. Фарғона вилояти маҳаллаларида ижтимоий омилларнинг иқтисодий барқарорликка таъсири: демография, гендер ва миграция таҳлили.....	47
Жаббаров К.Й., Жалолов И.Х., Эркинов М.Д. Молиявий ҳисобот тизимининг моҳияти ва шаклланиш бошқичлари.....	57
Гулямова Н.Х. Саноат корхоналарини инновацион ривожланиши ва миллий иқтисодиёт ўсиши.....	61
Arziboyeva R.S. Banklarda asosiy vositalar va mablag‘lar hisobini takomillashtirish.....	64
To‘raboyev Q.Q. Raqamli iqtisodiyot sharoitida mamlakatimizda soliq tizimini modernizatsiya qilish va sun‘iy intellekt hamda Big Data yordamida nazorat.....	67
Tojiboyev I.I. Raqamli biznes va elektron tijoratni soliqqa tortishning dolzarb masalalari va yechimlari.....	70
Xolmirzayev I.O. Kichik biznes va tadbirkorlik subyektlari faoliyatining rivojlantirishning iqtisodiy yo‘llari.....	74
Saidova M.J. Sanoat tarmoqlari transformatsiyasi sharoitida texnologik eskirish va modernizatsiya muammolari.....	79
Usmonova N.A. Andijon viloyatida kichik korxonalar faoliyat samaradorligiga ta‘sir etuvchi omillarni statistik va ekonometrik tahlil qilish.....	83
Xaydarov M.T., Jannazarova G.K. Bozor infrastrukturasi va uning rivojlanish istiqbollari.....	87
Худайназарова Д.Г. Фармацевтика корхоналарида харажатларга доир ахборотларни бухгалтерия ҳисоботларида очиб бериш тартибини такомиллаштириш.....	93
Madaminov A.M. O‘zbekistonda sanoat tarmoqlari faoliyatida oziq-ovqat sanoati rivojlantirish istiqbollari.....	99
Zufarova G.A. Kambag‘al va ishsiz fuqarolarni tadbirkorlikka jalb qilish masalalari.....	103
Ergashev I.I. Kichik korxonalar investitsiyaviy jozibadorligini samarali boshqarishda jahon amaliyoti tajribasi.....	106
Sativaldiyeva G.X. Ijara munosabatlarini mohiyati, ahamiyati va tasniflanishi.....	110
Kamilova A.N. Sanoat korxonalarida mehnat unumdorligini oshirishda mehnatni normalashtirish tizimining o‘rni va ahamiyati.....	115
Базарова Г.Г. Занятость населения в Узбекистане – теоретико-методологические основы анализа и практические механизмы решения проблем.....	119
Turabov B.T. Byudjet taqchilligi va xalqaro moliyaviy oqimlarning ta‘siri.....	125
Xamzaev A.N. Mamlakatimizda kapital bozorini rivojlantirish yo‘llari.....	131
Xamzaev A.N., Mirzajonov M. Mamlakatimizdagi xususiy korxonalarining raqobatbardoshligini oshirish yo‘llari.....	136

Raximova L.Sh. Innovatsion iqtisodiyot sharoitida ayollar tadbirkorligining roli va uning turmush farovonligiga ta’siri.....	141
Nosirov S.N. ESG tamoyillarini joriy etish orqali sug’urta kompaniyalarining moliyaviy barqarorligini oshirish mexanizmlari.....	146
Maxkamov X.M. Tijorat banklarida muammoli kreditlar ulushini kamaytirishning iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish.....	150
Hamrakulova M.F. Sanoat korxonalarida innovatsion boshqaruv mexanizmlarining mahsulot sifati va bozor raqobatbardoshligiga ta’siri.....	153
Mirzayeva L.S. O‘zbekiston qimmatli qog‘ozlar bozoridagi aksiyalar likvidligini oshirish yo‘llari.....	157
Очиллов Ж.Ж. Инновацион ривожланишда кичик бизнес фаолияти экотизимининг роли..	160
Usubjonov Z.V. Qurilish materiallari bozori mohiyati va uning xususiyatlari.....	165
Bekmurodov N.X. Hududiy iqtisodiy rivojlanishning nazariy asoslari va konsepsiyalari.....	170
Yusupova M.B. Zamonaviy boshqaruv tizimi va strategik boshqaruv hisobi.....	175
Xudayberdiyev O.A. Globallashuv sharoitida elektron tijorat orqali tadbirkorlik subyektlarining xalqaro savdo munosabatlarini rivojlantirish mexanizmlari.....	179
Bo’stonova N.A. Andijon viloyatida kichik biznes subyektlarining salohiyatini tahlili.....	187
Bo’stonova N.A., Nematjonova R.D. O‘zbekistonda aholining daromadlari va iste’mol xarajatlarining biznes rivojlanishiga ta’siri.....	192
Hamidova Sh.O. Sanoat korxonalarida mehnatni tashkil etish va boshqarish samaradorligi tahlili.	196
Abdullayeva Z.S. Maxsus iqtisodiy zonalar faoliyatining ijtimoiy va institutsional samaradorligi.	199
Duvshatova N.K. Hududlararo iqtisodiy nomutanosiblikni tartibga solishda investitsion yondashuvlarning samaradorligi.....	203
Усманова А.Б. Цифровая составляющая устойчивого развития региональной туристской системы (на примере Бухарской области).....	207
Qidirniyazov A.Sh. Uy-joy qurilishida kapital qo‘yilmalar hajmi va yakuniy natijalar o‘rtasidagi bog‘liqlikni ekonometrik modellashtirish.....	213
Dexkanova Sh.K. Aylanma iqtisodiyotning barqaror rivojlanishdagi ro‘li.....	217
Gulimboyev S.I., Rejapov X.X. Aholining farovonligini ta’minlashda ijtimoiy qo‘llab-quvvatlashning o‘rni.....	221
Mamatov B.S. O‘zbekistonning investitsion imkoniyatlari: asosiy tendensiya va natijalar.....	226
Kamoldinova N.A. Ayollar tadbirkorligini rivojlantirish – ular bandligini ta’minlashning asosi.	231
Aminboyev J.O. Amortizatsiya hisobida foydali xizmat muddatini aniqlash: nazariy va amaliy yondashuvlar.....	235
Maxramova N.Y. Strategik menejmentda kadriyatlar zanjiri: raqobatbardoshlikni oshirishning konseptual asoslari.....	241
Usmanova S.S. Innovative development of the pharmaceutical industry.....	245
Faxriddinova N.N. Yashil tadbirkorlik va uning iqtisodiyotdagi o‘rni.....	250
Захирова Г. Тиббий туризм хизматлари бозори ривожланишининг хориж тажрибаси.....	254
Абдуллоев А.Ж. Барқарор ривожланиш стратегияси асосида минтақавий саноатлашувни амалга оширишнинг хорижий мамлакатлар амалиёти.....	258
Sharapova N.K. Hududlarni barqaror rivojlantirish dasturlarini xalqaro standartlar tizimiga moslashtirish imkoniyatlari.....	264
Rahmatullayeva D.O. Demografik omillar va bandlik samaradorligi o‘rtasidagi munosabatlar..	272

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Smith M., Puczkó L. *Health and Wellness Tourism*. – Amsterdam: Butterworth-Heinemann, 2009.
2. Bookman M. Z., Bookman K. R. *Medical Tourism in Developing Countries*. – New York: Palgrave Macmillan, 2007
3. Hall C. M. *Medical Tourism: The Ethics, Regulation and Marketing*. – London: Routledge, 2011.
4. Connell J. *Medical Tourism*. – Wallingford: CABI Publishing, 2013.
5. Carrera P., Bridges J. *Globalization and Healthcare: Understanding Health and Medical Tourism*. – Expert Review of Pharmacoeconomics & Outcomes Research, 2006
6. Lunt N., Smith R., Exworthy M. *Medical Tourism: Treatments, Markets and Health System Implications*. – OECD Publishing, 2011
7. World Health Organization. *Global Health Expenditure Report*. – Geneva, 2023.
8. UN Tourism. *World Tourism Barometer*. – Madrid, 2024–2025.

УДК:332.1

**БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ АСОСИДА МИНТАҚАВИЙ
САНОАТЛАШУВНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР
АМАЛИЁТИ**

**ПРАКТИКА ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН ПО ОСУЩЕСТВЛЕНИЮ РЕГИОНАЛЬНОЙ
ИНДУСТРИАЛИЗАЦИИ НА ОСНОВЕ СТРАТЕГИИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ.**

**THE PRACTICE OF FOREIGN COUNTRIES IN IMPLEMENTING REGIONAL
INDUSTRIALIZATION ON THE BASIS OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT
STRATEGY**

Абдуллоев Аслиддин Жунайдуллаевич

Бухоро давлат университети Иқтисодиёт кафедраси мудири и.ф.д., профессор

Аннотация

Мақолада барқарор ривожланиш стратегияси орқали минтақавий саноатлашувни амалга оширишнинг илғор хориж амалиёти қиёсий таққосланиб, ундан мамлакатимиз амалиётида ижодий фойдаланиш имкониятлари аниқланган.

Калит сўзлар: барқарор ривожланиш, иқтисодий барқарорлик, ижтимоий барқарорлик, экологик барқарорлик, “яшил” иқтисодиёт, стратегия, барқарор ривожланиш стратегияси, саноат, саноатлашув, минтақавий саноатлашув, экологик стандартлар.

В статье сравнивается передовая зарубежная практика региональной индустриализации посредством стратегии устойчивого развития и определяются возможности ее творческого применения в практике нашей страны.

Ключевые слова: устойчивое развитие, экономическая стабильность, социальная стабильность, экологическая стабильность, «зеленая» экономика, стратегия, стратегия устойчивого развития, промышленность, индустриализация, региональная индустриализация, экологические стандарты.

The article compares the advanced foreign practice of regional industrialization through the strategy of sustainable development, and identifies the possibilities of creative use of it in the practice of our country.

Key words: sustainable development, economic stability, social stability, ecological stability, "green" economy, strategy, sustainable development strategy, industry, industrialization, regional industrialization, environmental standards.

Барқарор ривожланиш стратегияси бўйича минтақани саноатлаштиришда бир вақтнинг ўзида иқтисодий ўсиш, ижтимоий фаровонлик, ҳамда экологик барқарор мувозанатни таъминлаш мақсадида саноат соҳасини ривожлантириш бўйича жаҳон мамлакатларида амалга оширилаётган давлат дастурлари, жумладан, соҳадаги ислохотлар турли тамойиллар асосида амалга оширилиб, бунинг натижасида жаҳон амалиётида барқарор ривожланиш стратегияси асосида минтақани саноатлаштиришнинг турли моделлари шаклланган. Узоқ йиллар мобайни иқтисодий адабиётда минтақавий саноатлашувни барқарор ривожлантиришнинг миллий стратегияларини ишлаб чиқишда жаҳон хўжалигида шаклланган моделларнинг амал қилиш хусусиятлари, минтақа саноатини ривожлантиришга қаратилган ислохотлардаги устуворликлар, жумладан, уларни амалга ошириш йўналишлари ҳамда тамойилларини тадқиқ қилиш асосида моделлар учун хос бўлган хусусиятларни маҳаллий саноат соҳасининг ривожланиш салоҳиятидан келиб чиқиб, ўзаро интеграциялашган ҳудудий дастурларни шакллантириш орқали юқори иқтисодий самарадорликка эришилиб келинмоқда.

Жаҳонда барқарор ривожланиш стратегияси асосида минтақавий саноатлашув борасида турли мамлакатлар иқтисодиётида экологик стандартларга мос келадиган юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали глобал қўшилган қиймат занжирида миллий саноатнинг улушини оширишга қаратилган ислохотларга устуворлик қаратилиб келинмоқда. Халқаро ташкилотлар маълумотларига кўра, “глобал саноат ишлаб чиқаришида яратилаётган қўшилган қиймат ҳажмида Хитой, АҚШ, Япония ва Германия каби мамлакатлар етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Жумладан, саноат соҳасида яратилаётган ялпи глобал қўшилган қиймат ҳажмининг 30,9 фоизи биргина Хитой хиссасига тўғри келиб, мамлакат саноат ишлаб чиқаришида рақамли трансформациялашув, ҳамда роботизация даражаси нисбатан юқорилиги билан характерланади”[1].

Янги Ўзбекистоннинг минтақавий саноатлашув борасидаги ислохотларининг устувор йўналишлари республика вилоятлари, жумладан, улардаги шаҳар ва туманларнинг ишлаб чиқаришини ривожлантиришда уларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, инновацион фаолликни таъминлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш занжирини тўлиқ ўзлаштиришга қаратилганлиги билан характерланади. Сўнгги йилларда “мамлакатда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари турларини кенгайтириш орқали аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини самарали қондириш”[2] га қаратилган ислохотларга устуворлик қаратилиб, минтақавий саноатлашув борасидаги чора-тадбирлари саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурлари билан узвий алоқадорликда амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу ҳолат мамлакатда минтақавий саноатлашувни барқарор ривожланиш стратегияси асосида амалга ошириш жараёнлари самарадорлигини оширишнинг илмий ва амалий жиҳатдан долзарб аҳамият касб этишидан далолат беради.

Минтақавий саноатлашувни барқарор ривожлантириш стратегиясининг моҳияти, унинг илмий-назарий концептуал асослари, уни амал қилиш тамойиллари, амалга ошириш дастаклари, ҳамда, самарадорлигини баҳолашнинг илмий-услубий асослари Г. Петракос, Д. Пуга, Л.А. Рисси, М. Амита, Д.Р. Давис, Р. Добринский, Г. Эллисон каби узоқ хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Яқин хорижлик Т.Г. Косенко, Р.М. Притков, В.Г. Гусаков, А.В. Котов каби олимлар томонидан бозор иқтисодиёти шаклланиши шароитида минтақавий саноатлашувни барқарор ривожланиш стратегиясини амалга ошириш масалалари тадқиқ этилган.

Ўзбекистонлик А.Т. Юсупов, Т.М. Ахмедов, Ф.Т. Эгамбердиев, Э.А. Ахмедов, Н. Тўхлиев, Қ.Қ. Шарипов, Д.Ш. Явмутов каби иқтисодчи олимлар томонидан мамлакатда минтақавий саноатлашув жараёнларини амалга оширишнинг миллий хусусиятлари тадқиқ этилган. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий ва селектив танлаб тадқиқ қилиш, монографик таҳлил ва гуруҳлаш каби усуллардан фойдаланилган.

Иқтисодий адабиётда Ж.А. Ван Зантен[3], Н. Цолакис[4], Х. Ёин[5], К. Янг[6], С. Риззо[7], П. Фороуди[8] каби узоқ хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий

тадқиқотларида барқарор ривожланиш стратегияси асосида минтақавий саноатлашувни амалга оширишнинг жаҳонда амал қилаётган замонавий моделлари, жумладан, уларнинг амал қилиш хусусиятлари, минтақани саноатлаштириш борасида давлат томонидан амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишлари тадқиқ этилганлиги билан характерланади. Ўрганишларга кўра, бугунги кунда жаҳон хўжалигида минтақавий саноатлашувни барқарор ривожланиш стратегиялари асосида амалга оширишнинг инновацион, эко-саноатлаштириш, кластерлик саноатлашув, агросаноат ҳамда, рақамли саноатлаштириш моделлари ўзаро фарқланиб, ҳар бир модел минтақаларда саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган давлат дастурлари устуворликлари жиҳатидан ўзаро фарқланади. Шу билан биргаликда, саноат жиҳатдан ривожланаётган мамлакатлар, жумладан, аксарият ИХТТ мамлакатлари эса ушбу моделларнинг таркибий компонентларини ўзаро интеграциялашган ҳолда ўз амалиётларида қўллаш ҳисобига иқтисодий, ижтимоий ва экологик барқарорлик ўртасидаги ўзаро мутаносибликни таъминлаш асосида юқори даражадаги самарадорликка эришиб келаётганлиги ташкилот экспертлари томонидан ўтказилган тадқиқотларда[9] аниқланган.

Ўрганишлар натижасида барқарор ривожланиш стратегияси асосида минтақавий саноатлашувни амалга ошириш моделларининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг устунликлари, ютуқ ва камчиликларини аниқлашга эришилди. Шу билан биргаликда, минтақавий саноатлашувни барқарор ривожланиш стратегияси моделларининг замонавий бозор иқтисодиёти шароитида амал қилишида мамлакатлар амалиётида ҳар бир моделнинг маълум бир жиҳатларидан ўзаро интеграциялашган ҳолатда фойдаланиб келинаётганлиги аниқланди.


Замонавий иқтисодий адабиётда шаклланган барқарор ривожланиш стратегияси асосида минтақавий саноатлашувни амалга ошириш моделларининг амал қилиш хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш асосида, бугунги кунда саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар амалиётида ҳам турли моделлар хусусиятларини аралаш ҳолда минтақавий саноатлашувни амалга оширишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқишда гибридлаштирилган ҳолда фойдаланилаётганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат айрим мамлакатлар амалиётида минтақавий саноатлашувни барқарор ривожлантириш стратегиялари бўйича амалга оширилаётган дастурларни таҳлил қилиш заруриятини вужудга келтиради.

Барқарор ривожланиш стратегияси асосида минтақани инновацион саноатлаштириш модели АҚШ (Силикон водийси) амалиёти учун хос ҳисобланиб, Г.К. Вилсон[10], Н. Тхам[11], Р.У. Салисбури[12], Р. Реих[13] каби иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида ушбу моделнинг амал қилиш хусусиятлари тадқиқ этилган ҳисобланади. Ўрганишларга кўра, минтақани инновацион саноатлаштиришнинг барқарор ривожланиш стратегияси саноат ишлаб чиқаришини юқори технологиялар орқали ташкил этиш, жумладан, турли кичик ва ўрта турдаги саноат корхоналарининг илмий тадқиқот тажриба-конструкторлик ишланмалари (ИТТКИ) дан стартапларни қўллаб-қувватлаш орқали фаол даражада фойдаланишини, ҳамда, маҳсулот ишлаб чиқариши занжирининг турли босиқларида рақамли технологияларнинг жорий этилиши ҳисобига юқори самарадорликка эришишга қаратилганлиги билан характерланади.

Таҳлилларга кўра, “1970-2024 йилларда жаҳон ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) таркибида саноат ишлаб чиқаришининг улуши 13,7 фоиздан бугунги кунга келиб қарийб 18,0 фоизга етган бўлса, ушбу кўрсаткич АҚШда қарийб 17,0 фоизни ташкил этади”[14]. Жумладан, “1979 йилда мамлакат ишлаб чиқариш саноатида 20 млн.га яқин киши банд бўлган бўлса, 2024 йилда ушбу кўрсаткич қарийб 13 млн. кишига тенг ҳисобланади”[15]. Ушбу ҳолат мамлакатда барқарор ривожланиш стратегияси асосида минтақани инновацион саноатлаштириш жараёнлари жадал суръатларда бориб, саноат ишлаб чиқаришини ташкил этишда инсон омили ўрнини замонавий техника, машина ва ақлли роботлар эгаллаб келаётганлиги билан изоҳланади.


Шунингдек, 2017 йилнинг май ойидан буён мамлакатда минтақавий инновацион саноатлашув жараёнлари ўша даврдаги мамлакат Президенти ҳисобланган Д. Трамп

томонидан тасдиқланган “Савдо ва саноат сиёсати (2017 йил 29 апрелда тасдиқланган)”[16] доирасидаги “Таъминот занжирини стратегияси” га асосланилади.



1-расм. АҚШда минтақавий саноатлашувни амалга оширишнинг маҳсулот ишлаб чиқариш нуқтаи-назаридан функционал-схематик тузилиши [1]

Мазкур Стратегияга мувофиқ минтақавий инновацион саноатлашувда режалаштирилаётган саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун зарур бўлган барча турдаги компонентлар, айниқса, энергия тизими таъминоти, уни узатиш ва ишлатиш билан боғлиқ бўлган инфратузилманинг ривожланганлик даражасига устуворлик қаратилади. Бунинг сабаби АҚШ саноат ишлаб чиқариши корхоналари техник-технологик жиҳатдан қуролланганлик даражаси бўйича жаҳонда етакчи мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллаганлиги билан изоҳланади. Жумладан, Н. Тхам [17] АҚШ амалиётида сўнгги йиллар мобайнида, аниқроғи, Д. Трамп томонидан ишлаб чиқилган “Савдо ва саноат сиёсати” доирасида мамлакатдаги минтақавий саноатлашув жараёнларининг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш асосида ушбу йўналишдаги ислохотлар ишлаб чиқариш қувватини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнларининг инновацион фаоллигини таъминлаш, минтақавий саноат ишлаб чиқаришининг ҳар қандай таъминот занжирини мустаҳкамлаш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш билан биргаликда, барқарор ривожланиш стратегиясининг устуворликларини белгилаш каби таркибий дастурлардан (2-расм) ташкил топишини аниқлаган.



2-расм. АҚШда минтақавий саноатлашувни амалга ошириш бўйича барқарор ривожланиш стратегияси ислохотларнинг таркибий дастурлари[2]

АҚШда кичик ва ўрта турдаги саноат ишлаб чиқариши корхоналари Хитой тажрибасига кўра, унда саноат ҳудудларини ташкил этиш билан биргаликда, маҳаллийлаштириш дастурларини ўзаро мутаносибликда олиб борилган. Шунингдек, саноат корхоналари илмий-техник тараққиётини таъминлашда ИТТКИ ишланмаларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш бўйича инновацион ҳамкорлик алоқалари мунтазам кучайтириб борилади. Хитойнинг устун жиҳатларидан бири бу мамлакатда аҳоли сони кўплиги ҳисобига арзон ишчи кучига эгаллиги ҳисобланади. Шу сабабли йирик хорижий саноат корхоналари мамлакатга ишлаб чиқариш нуқталарини жойлаштириши Хитойда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни техник-технологик жиҳатдан ўзлаштириш бўйича имкониятларини кенгайтирган ва мамлакат ушбу вазиятдан самарали фойдаланган ҳисобланади.

Демак, минтақаларда саноатлашувни барқарор ривожланиш стратегияларини амалга оширишнинг замонавий тенденциялари ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш асосида ушбу жараёнларини амалга ошириш моделларининг қиёсий таҳлилинини ўтказиш натижалари куйидаги хулосаларни шакллантириш имконини берди:

- инновацион саноатлаштириш модели юқори инвестиция талаб қилишига қарамай, иқтисодий самарадорликка эришиш имкониятларини кескин оширади;
- эко-саноатлаштириш моделини амалга оширишда экологик хавфсизликни таъминлаш билан биргаликда, инвестицион қайтимга эришишда узоқ муддат давр талаб қилинади;
- кластерлик саноатлаштириш модели бўлса саноатда илм-фан-ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро интеграцион муносабатларни чуқурлашувини таъминлаш имконини бериб, инвестицион талаб ҳажми ўрта даражадалиги билан характерланади;
- агросаноатлаштириш модели қишлоқ хўжалиги ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширади, аммо ушбу моделни амалга оширишда паст даражадаги рентабелликка эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Thomas, D (2023) Annual Report on the U.S. Manufacturing Economy: 2023. (National Institute of Standards and Technology, Gaithersburg, MD), NIST Advanced Manufacturing Series 600-13-upd1. – 64 p.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятни янада ошириш тўғрисида”ги ПҚ-4426-сон қарори, 24.08.2019 й. <https://lex.uz/ru/docs/4486600>
3. Van Zanten J. A., & Van Tulder R. Multinational enterprises and the Sustainable Development Goals: An institutional approach to corporate engagement. *Journal of International Business Policy*, Vol. 1 (3-4), 2018. – pp. 208–233
4. Tsolakis N., Niedenzu D., Simonetto M., Dora M., & Kumar M. Supply network design to address United Nations sustain-able development goals: A case study of block chain implementation in Thai fish industry. *Journal of Business Research*, Vol. 131, 2021. – pp. 495–519
5. Yin X., Chen J., & Li J. Rural innovation system: Revitalize the countryside for a sustainable development. *Journal of Rural Studies*, Vol. 93, 2022. – pp. 471–478
6. Yang K., Schot J., & Truffer B. Shaping the directionality of sustainability transitions: The diverging development patterns of solar photovoltaics in two Chinese provinces. *Regional Studies*, Vol. 56 (5), 2022. – pp. 751–769
7. Rizzo C., Guido G., Pino G., Pirotti T., & Anzilli L. A fuzzy expert system for sustainable local development. *Regional Studies*, Vol. 56 (5), 2022. – pp. 808–817
8. Foroudi P., Marvi R., Cuomo M.T., and D’Amato A. Sustainable Development Goals in a regional context: conceptualising, measuring and managing residents’ perceptions. *Regional Studies*, Jul, 2024. – 16 pages. DOI: 10.1080/00343404.2024.2373871
9. Industrial Policy for the Sustainable Development Goals: Increasing the Private Sector’s contribution. OECD Publishing, Paris, 2021. – 196 pages.

10. Wilson, G. K. *Business and Politics. A Comparative Introduction.* — N. J. : Chatham House Publishers, Inc. Chatham, 1990
11. Tham N., McGee J. Making Things, Better: Federal Support for U.S. Manufacturing [on-line resource]. Apr 03, 2024. URL: https://bipartisanpolicy.org/blog/federal-support-for-manufacturing/?campaignid=18598281593&adgroupid=159472843383&keyword=manufacturing%20policy&gad_source=1&gclid=Cj0KCQjwz7C2BhDkARIsAA_SZKajtOxA_aa96eIizvoFE8Qhi69NbaAWduJRYbOuEmeOVK6ZJP7qpEYAv0iEALw_wcB
12. Salisbury, R. U. Interest Groups // Greenstein N. I., Polsby, N. W. (Eds.) // *Non-Governmental Politics Handbook of Political Science.* Massachusetts : Reading, 1975
13. Reich, R. An Industrial Policy of the Right // Peretz P. (Eds.) // *The Politics of American Economic Policy Making.* M. E. Sharpe, N. Y., 1987
14. U.S. Manufacturing Economy [on-line resource]. URL: <https://www.nist.gov/el/applied-economics-office/manufacturing/manufacturing-economy/total-us-manufacturing>
15. U.S. Bureau of Labor Statistics. Manufacturing: NAICS 31-33. URL: <https://www.bls.gov/iag/tgs/iag31-33.htm>
16. Donald J. Trump. President Executive Order on Establishment of Office of Trade and Manufacturing Policy. The White House, April 29, 2017. URL: <https://trumpwhitehouse.archives.gov/presidential-actions/presidential-executive-order-establishment-office-trade-manufacturing-policy/>
17. Tham N., McGee J. Making Things, Better: Federal Support for U.S. Manufacturing [on-line resource]. Apr 03, 2024. URL: https://bipartisanpolicy.org/blog/federal-support-for-manufacturing/?campaignid=18598281593&adgroupid=159472843383&keyword=manufacturing%20policy&gad_source=1&gclid=Cj0KCQjwz7C2BhDkARIsAA_SZKajtOxA_aa96eIizvoFE8Qhi69NbaAWduJRYbOuEmeOVK6ZJP7qpEYAv0iEALw_wcB